


ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES | RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI ILMIIY KONFERENSIYA

# YANG O'ZBEKISTON: INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

CONFERENCE.UZ 2023

DAVRIYLIGI: 2018-2023



D.I. MENDELEEVNING  
KIMYOVIY ELEMENTLAR  
DAVRIY JADVALI

Относительная атомная масса (атомный вес)

Актиниоды

										5 B Borun Бор	6 C Carbonium Углерод	7 N Nitrogenium Азот	8 O Oxygenium Кислород	9 F Fluorum Фтор																													
										11 Al Aluminium Алюминий	12 Mg Magnesium Магний	13 Si Silicium Силиций	14 Ge Germanium Германий	15 As Arsenicum Мышьяк	16 S Sulfurium Кремний	17 Cl Chlorum Хлор	18 Ar Argonum Аргон																										
24 Cr Chromium Хром	25 Mn Manganum Марганец	26 Fe Ferrum Железо	27 Co Cobaltum Кобальт	28 Ni Niccolum Никель	29 Cu Cuprum Медь	30 Zn Zincum Цинк	48 Cd Cadmium Кадмий	49 In Indium Индий	50 Sn Stannum Олово	51 Sb Stibium Сурьма	52 Te Tellurium Теллур	53 Br Bromum Бром	54 Xe Xenonum Ксенон	55 Ba Bariumum Барий	56 La Lanthanum Лантан																												
74 Mo Molybdenum Молибден	75 Tc Technetium Технеций	76 Ru Ruthenium Рутений	77 Rh Rhodium Родий	78 Pd Palladium Палладий	79 Ag Argentum Серебро	80 Au Aurum Золото	81 Pt Platinum Платина	82 Ir Iridium Иридий	83 Os Osmium Осний	84 Re Rhenium Рений	85 Po Polonium Полоний	86 At Astatium Астат	87 Fr Francium Франций	88 Ra Radiumum Радий	89 Ac Actiniumum Актиний																												
106 Dg Darmstadtium Дармштадтий	107 Bh Bohrium Борий	108 Hs Hassium Хассий	109 Mt Meitnerium Мейтнерий	110 Ds Darmstadtium Дармштадтий	111 Rg Roentgenium Рентгеней	112 Cn Copernicium Коперниций	113 Nh Nihonium Ниголий	114 Fl Flerovium Флеровий	115 Mc Moscovium Московий	116 Lv Livermorium Ливерморий	117 Ts Tennessium Теннесси	118 Og Oganesson Оганесон	119 Uue Ununennium Унуненний	120 Uub Unbium Унбий	121 Uut Ununtrium Унунтрий	122 Uuq Unquadium Унунквартий	123 Uup Unpentium Унунпентий	124 Uuq Unquadium Унунквартий	125 Uuh Unhexium Унунгексий	126 Uuo Unoctium Унуноктий	127 Uuh Unhexium Унунгексий	128 Uuo Unoctium Унуноктий	129 Uuh Unhexium Унунгексий	130 Uuo Unoctium Унуноктий	131 Uuh Unhexium Унунгексий	132 Uuo Unoctium Унуноктий	133 Uuh Unhexium Унунгексий	134 Uuo Unoctium Унуноктий	135 Uuh Unhexium Унунгексий	136 Uuo Unoctium Унуноктий	137 Uuh Unhexium Унунгексий	138 Uuo Unoctium Унуноктий	139 Uuh Unhexium Унунгексий	140 Uuo Unoctium Унуноктий									
60 Nd Neodymium Неодим	61 Pm Promethium Прометий	62 Sm Samarium Самарий	63 Eu Europium Европий	64 Gd Gadolinium Гадолий	65 Tb Terbium Тербий	66 Dy Dysprosium Диспрозий	67 Ho Holmium Гольмий	68 Er Erbium Эрбий	69 Tm Thulium Тулий	70 Yb Ytterbium Иттербий	71 Lu Lutetium Лютеций	72 Hf Hafnium Гафний	73 Ta Tantalum Тантал	74 W Wolframium Вольфрам	75 Re Rhenium Рений	76 Os Osmium Осний	77 Ir Iridium Иридий	78 Pt Platinum Платина	79 Au Aurum Золото	80 Hg Hydrargyrum Ртуть	81 Tl Thallium Таллий	82 Pb Plumbum Свинец	83 Bi Bismuthum Висмут	84 Po Polonium Полоний	85 At Astatium Астат	86 Rn Radonum Радон	87 Fr Francium Франций	88 Ra Radiumum Радий	89 Ac Actiniumum Актиний	90 Th Thoriumum Торий	91 Pa Protactiniumum Протактиний	92 U Uranium Уран	93 Np Neptunium Нептуний	94 Pu Plutonium Плутоний	95 Am Americium Америций	96 Cm Curium Кюрий	97 Bk Berkelium Берклий	98 Cf Californium Калифорний	99 Es Einsteinium Эйнштейний	100 Fm Fermium Фермий	101 Md Mendelevium Менделевий	102 No Nobelium Нобелий	103 Lr Lawrencium Лауренсий

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJU OLIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IJTIDORLI TALABALAR

TOSHKENT SHAHAR, AMIR TEMUR KO'CHASI, PR. 1, 2-UY.

+998 97 420 88 81  
+998 94 404 00 00

WWW.TADIQOT.UZ  
WWW.CONFERENCES.UZ

FEVRAL №49

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:  
ИННОВАЦИЯ, ФАН  
ВА ТАЪЛИМ  
1-ҚИСМ**

---

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:  
ИННОВАЦИИ, НАУКА  
И ОБРАЗОВАНИЕ  
ЧАСТЬ-1**

---

**NEW UZBEKISTAN:  
INNOVATION, SCIENCE  
AND EDUCATION  
PART-1**

**ТОШКЕНТ-2023**





УУК 001 (062)  
КБК 72я43

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 49-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 19 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

#### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

#### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

#### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

#### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

#### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

#### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

#### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



### **8. Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

### **9. Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

### **10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

### **11. Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

### **12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

### **13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

### **14. Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **15. Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **16. Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **17. Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

### **18. Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

### **19. Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **20. Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **21. Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

**24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

**25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ**

<b>1. Yuldoshbekov Avazbek Alisher o‘g‘li</b> OLIY TA’LIM SOHASIDA KORRUPSIYAVIY XAVF-XATARNI ANIQLASH MAS- ALALARI.....	7
<b>2. Ермашев Женгис Маратович</b> ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ СИФАТИДА БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗИШНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ.....	9
<b>3. Жабборов Нозимжон Қосимович</b> ЖИНОИЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА.....	12
<b>4. Асроров Бехзод Зафар ўғли</b> ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ТАРБИЯСИ ОҒИР БЎЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ.....	14
<b>5. Асроров Бехзод Зафар ўғли</b> ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ТАРБИЯСИ ОҒИР БЎЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ.....	16
<b>6. Хасанова Гузалия Бахтиёрвна, Коробкова Анастасия Сергеевна, Бегманов Акмальжон Бахтияр угли</b> ЗАЩИТА ПРАВ, СВОБОД И ЗАКОННЫХ ИНТЕРЕСОВ ЖЕНЩИН.....	17



## ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

### OLIY TA'LIM SOHASIDA KORRUPTSIYAVIY XAVF-XATARNI ANIQLASH MASALALARI

**Yuldoshbekov Avazbek Alisher o'g'li**  
TDYuU Ilmiy boshqarmasi bosh mutaxassisi  
yuldoshbekov94@mail.ru

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada oliy ta'lim sohasida korrupsiyaviy omillarni aniqlash va ularni bartaraf etishga qaratilgan fikr-mulohazalar aks ettirilgan.

**Kalit so'zlar:** oliy ta'lim, korrupsiya, ilmiy kengash, tadqiqot etikasi kengashi.

Jahon Banki tomonidan keltirilgan tahliliy ma'lumotda, mamalakatimizda mehnat bozorining rivojlanishi iqtisodiyotning o'zgarishi bilan birga sodir bo'layotgani, bu holat turli kasb egalariga bo'lgan talabni o'sishiga olib kelayotgani, mehnat bozori talablarini qondirishda sifatli oliy ta'lim muhim ahamiyat kasb etishi ta'kidlanib, oliy ta'lim tizimidagi islohotlarni mehnat va iqtisodiyot sohasidagi o'zgarishlarga muvofiq amalga oshirish tavsiya etilgan[1].

Davlat va xususiy sektorda malakali kadrlarga bo'lgan talab va shaxsni oliy ma'lumotga ega bo'lish orqali moddiy hamda ma'naviy manfaatni qo'lga kiritishga intilishi sub'ektlar o'rtasida munosabatlar ortishiga, qonuniy munosabatlarni korrupsiyaviy munosabatlarga o'zgarishiga kuchli ta'sir qiladi. Zero, oliy ma'lumot olish va malakali kadr bo'lish og'ir mehnat talab etishi, hamma ham o'z kuchi va qobiliyati bilan unga erisha olmasligi ularni korrupsiya usulidan foydalanishga undaydi.

Bundan tashqari, oliy ta'lim sohasidagi korrupsiyaviy harakatlarni sodir etilish sohasiga qarab, ta'lim berish, xizmat ko'rsatish va boshqaruv sohasidagi korrupsiyaviy huquqbuzarliklarga bo'lish mumkin. Talabalarning nazorat ishini moddiy manfaatdorlik evaziga ijobiy baholashni ta'lim berish, talabaga moddiy manfaatdorlik evaziga yotoqxona berishni xizmat ko'rsatish, pora evaziga rektor biror bir ma'muriy jarayonni amalga oshirishga ko'maklashishni boshqaruv sohasidagi korrupsiyaga misol sifatida keltirishimiz mumkin [2].

N.Rumyanseva oliy ta'limdagi korrupsiyaviy huquqbuzarliklarni quyidagicha tasniflaydi:

1) ta'limdagi maxsus korrupsiya:

– akademik korrupsiya: talaba-fakultet va talaba-boshqaruv xodimi o'rtasidagi korrupsiya;  
– xizmat ko'rsatishdagi korrupsiya: talaba-xizmat ko'rsatuvchi xodim va talaba-boshqaruv xodimi o'rtasidagi korrupsiya;

2) boshqaruvdagi korrupsiya [3].

Ma'lum sohada islohotlarni amalga oshirishda xorijiy davlatlar tajribasini o'rganish foydadan holi bo'lmaydi. Shuning uchun, Ukraina va Gruziyaning oliy ta'lim sohasidagi korrupsiyaga qarshi kurashish bilan bog'liq ijobiy tajribalarini ko'rib chiqamiz.

So'ngi yillarda Gruziya Respublikasi oliy ta'lim sohasida korrupsiyaga qarshi kurashish borasida ijobiy islohotlarni amalga oshirishga erishdi. Markazlashgan boshqaruvdan qochish va bozor munosabatlariga o'tish oliy ta'lim rivojlanishining asosi bo'ldi.

Xususan, Gruziya parlamenti oliy ta'lim tizimida asosiy davlat siyosati va boshqaruvini belgilaydi, sohaga doir normativ-huquqiy hujjatlarni qabul qiladi, Ta'lim va fan vazirligi hisobotlarini eshitadi. Vazirlar Mahkamasi, Ta'lim va fan vazirligi oliy ta'lim sohasida ijro funksiyasini amalga oshiradi. Ta'lim sifatini ta'minlovchi Ta'lim Sifatini Oshirish Markazi, kirish imtihonlariga mas'ul Baholash va Imtihon Milliy Markazi, ilmiy tadqiqot faoliyatiga yo'naltirilgan Rustaveli Milliy Olimlar Jamiyati kabi maxsus davlat organlari mavjud.

Mamlakatda oliy ta'lim sohasida korrupsiyaga qarshi kurashishda OTMga katta mustaqillik va erkinlik berish, ularda mukammal boshqaruv tizimini shakllantirish eng samarali yondashuv bo'ldi.

OTMlari boshqaruv tuzilmalariga: Ilmiy Kengash, Senat, Rektor, Moliya bo'limi boshlig'i,



Ta'lim sifatini ta'minlash xizmati; fakultet tuzilmalariga: fakultet Ilmiy kengashi, dekan, fakultet Ta'lim sifatini ta'minlash xizmati kiradi.

Ilmiy kengash – OTMda ilmiy faoliyatni amalga oshiruvchi vakillik organi hisoblanib, u ilmiy xodimlar, fakultet a'zolari va talabalarining o'zini-o'zi boshqarish organi vakillari tomonidan o'qish muddati davriga saylanadi. Ilmiy Kengashda har bir fakultetdan teng vakil bo'lib, a'zolar soni OTM nizomida belgilanadi. Ta'kidlash lozimki, faqatgina professor darajaciga ega xodimlar Ilmiy Kengashga a'zo sifatida saylana oladi. A'zolar o'rtasida munosabatlar chuqurlashib ketishini oldini olish maqsadida Ilmiy Kengashning uchdan bir qism a'zolari uning vakolat muddati yarmida yangilanadi.

Ilmiy Kengash rais, ya'ni rektorni saylash, o'quv yili boshida imtihon asosida qabul qilinadigan talabalar sonini belgilash va boshqa bir qator vakolatlarga ega [4].

Xususan, Toshkent davlat yuridik universiteti amaliyotiga nazar tashlaydigan bo'lsak, 2022/2023 o'quv yilidan boshlab universitetda Tadqiqot etikasi kengashi o'z faoliyatini boshlagan bo'lib, Kengash universitetda yuridik fanlar rivojlanishini ta'minlash talablaridan kelib chiqqan holda ustuvor, istiqbolli va ilg'or ilmiy yo'nalishlar bo'yicha tadqiqotlarni belgilash, ta'lim jarayonini ilmiy materiallar bilan ta'minlashni amalga oshirish, ilmiy-innovatsion ishlanmalarni tijoratlashtirish, universitet professor-o'qituvchilari, doktorantlari, mustaqil izlanuvchilari va talabalarining ilmiy tadqiqot faoliyatini muvofiqlashtiruvchi kollegial organ hisoblanadi.

Ushbu Kengash universitetning 10 nafar tajribali professor-o'qituvchilari, 3 nafar faol talabalaridan (1 nafar magistrant, 1 nafar doktorant va 1 nafar bakalavriat talabasi) iborat tarkibda bir o'quv yili uchun shakllantiriladi. Shuningdek, qoida tariqasida, 2 nafar chet eldagi vatandoshlar Kengashda a'zo sifatida ishtirok etadi.

Shuningdek, Kengash o'z faoliyati davomida Akademik halollik va tadqiqot etikasi kodeksi qoidalariga rioya etilishi yuzasidan monitoring olib borish, yuridik sohada ilmiy-tadqiqot ishlari, shu jumladan, dissertatsiya, monografiya va ilmiy maqolalar sifatiga qo'yilgan talablarni ishlab chiqish va e'lon qilish, eng yaxshi dissertatsiya tanlovlarini o'tkazish, monografiya, ilmiy maqolalar va innovatsion loyihalarni universitet va respublika tanlovlariga tavsiya qilish, professor-o'qituvchilarni ilmiy unvonlarga tavsiya etish, magistrlik dissertatsiyasi va ilmiy-tadqiqot mavzularini ekspertizadan o'tkazish, yuridik fanlar bo'yicha ilmiy darajalar beruvchi ilmiy kengash va ular qoshidagi ilmiy seminarlar faoliyatini monitoring qilib borish va samaradorligini oshirish yuzasidan takliflar kiritish kabi bir-biridan muhim vazifalarni bajaradi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Final Report of World Bank Group, “Uzbekistan Education Sector Analysis” 2018, p –11
2. Osipian A. “Corruption in higher education: for the degree of Doctor of philosophy”. 2013, pages – 25-26.
3. Rummyantseva N, “Taxonomy of Corruption in Higher Education”, Peabody Journal of Education, Newly Emerging Global Issues, 2005, p – 81-92
4. Georgia “Law of Georgia on higher education” December 21, 2004, <http://www.mes.gov.ge>
1. Final Report of World Bank Group, “Uzbekistan Education Sector Analysis” 2018, p – 119
5. YunA., “Corruption in Uzbek higher education: detrimental impurity for the future, Norwegian institute International affairs”, 2016 year, p – 20.
6. Klitgard R, “International Cooperation against Corruption, Finance & Development”, March 1998, p – 110.





## ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ СИФАТИДА БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗИШНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ

Ермашев Женгис Маратович,

Юридик фанлар буйича фалсафа доктори (PhD),

E-mail: j.ermashev1977@mail.ru

**Аннотация:** мазкур мақолада иқтисодиёт асосларига қарши жиноят сифатида божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузишнинг субъектив томони атрофлича таҳлил қилинган. Бунда ушбу жиноятда айб шаклини аниқлашга эътибор қаратилган. Шунингдек, ушбу жиноят субъектив томонининг факультатив белгилари, яъни унинг мотиви ва мақсади масалалари ҳам тадқиқ этилган. Ишда муаллиф томонидан ушбу жиноятда айб шакли ҳамда мотив ва мақсаднинг қилмишни квалификация қилишга таъсири юзасидан аниқ хулосалар билдирилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодиёт асосларига қарши жиноят, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, жиноятнинг субъектив томони, айб, қасддан жиноят содир этиш, тўғри қасд, мотив ва мақсад.

Жиноятларни тўғри баҳолаш ва квалификация қилишда хатога йўл қўймаслик учун жиноятнинг таркибини, шу жумладан, жиноятнинг субъектив томонини муфассал тадқиқ этиш зарур. Айбсиз равишда зарар етказганлик учун ҳукм қилиш, шунингдек, айбнинг шакли тўғрисида нотўғри хулоса қилиш, жиноятнинг мотиви ва мақсадини аниқлашда хатога йўл қўйиш сабабли қилмишни нотўғри квалификация қилиш фактлари, шунингдек, айбдор шахс айбининг даражасига номувофиқ жазо тайинлаш ҳолларининг учраши ҳам амалиётда кам эмас.

Жиноий жазони қўллаш учун шахснинг ҳуқуққа хилоф қилмиш содир этганлиги фактини исботлаш, шунингдек шахс айбли равишда ҳаракат қилганлигини аниқлаш зарур. Бунда, авваломбор, шахсни ўзининг ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атвори ва унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабатини аниқлаш зарурлиги келиб чиқади. Шахснинг содир этилган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан руҳий муносабатини билдирадиган асосий белгилар жиноятни субъектив томонининг мазмунини ташкил этади. Айб – шахсни содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликка жалб этишнинг асосий ташкил этувчи тушунчадир.

В.Нерсисян таъкидлаганидек, “айбни психологик мазмуни шахсни онги ва ифодасининг муайян ҳолатини ўз ичига олиб, айб шаклининг қонун билан белгиланган шакли – қасд ва эҳтиётсизликда ўз ифодасини топади” [1, 59-б.]. Ушбу фикрни А.Плотников: “психологик назария нуқтаи назаридан жиноят содир этган шахснинг онгида кечадиган асосий психологик компонентлар билан мувофиқ келувчи психологик жараён сифатида кўринади” [2, 79-б.], дея тўлдирган. В.Ткаченко “айбни – шахсни, ўзи содир этаётган жиноятнинг объектив белгиларига нисбатан руҳий муносабати сифатида ифодалаш мумкин” [3, 22-б.], деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, жиноят ҳуқуқида айб – шахс томонидан содир этилиб, жиноят қонунда назарда тутилмаган ва тегишли шакллар билан белгиланадиган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан руҳий муносабатидир.

Кўпчилик муаллифлар божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш тўғри қасд билан содир этилади [4, 204-б.; 5, 206-б.], деб ҳисоблайдилар. Қасд ўз мазмунига кўра интеллектуал ва иродавий моментларнинг муайян бирикмасини ташкил этади, уларни ўзаро алоқадорлигини ифодалайди. Тўғри қасднинг интеллектуал ва иродавий белгиларини кўриб чиқишда божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузишнинг таркиби формал таркиб қаторига киришини ёдда тутиш керак, шунинг учун эгри қасд мавжуд бўлиши истисно этилиши билан бирга тўғри қасддан иродавий элементи қилмишнинг оқибати билан эмас, балки қилмишнинг ўзини содир этиш билан боғлиқ бўлади. Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузишда тўғри қасднинг интеллектуал жиҳати, бизнинг фикримизча, шахснинг содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфли хусусиятини англашида ифодаланади, бу эса қилмишнинг барча объектив фактик ҳолатлари ва унинг ижтимоий хусусияти – содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англашини билдиради.

Тўғри қасдни интеллектуал белгисининг мазмуни, шунингдек, жиноят таркибининг



(божхона ва бошқа хужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш, ўтказилаётган товарлар ва бошқа қимматликларни хуфя жойларда яшириш ва бошқалар) объектив томонини ташкил этувчи фактик ҳолатларнинг хусусиятини ва уларнинг ижтимоий хоссаларини англашни тақазо қилади. Айбдорнинг товар ёки бошқа қимматликларни божхона чегарасидан ўтказишнинг ғайриқонунийлигини, божхона назорати тўғрисидаги қоидаларни бузишни англаши тўғри қасднинг интеллектуал белгиси мазмунига кириши керак.

Тўғри қасднинг иродавий белгиси айбдорнинг бу ҳаракатларини, яъни товар ва бошқа қимматликларни ғайриқонуний равишда божхона чегарасидан ўтказиш истагида мужассам бўлади.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузишда қасднинг мавжуд бўлиши учун айбдор нафақат жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи амалдаги ҳолатларни, балки уларнинг ижтимоий белгиси – қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, жиноят объектининг хусусиятини ҳам англаши лозим.

Ижтимоий хавфлиликни англаш, қилмиш ижтимоий, аввало, иқтисодий муносабатларга зарар етказилаётганлиги ёки зарар етказиш хавфини туғдираётганлигини англашдан иборат.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузишда айбнинг даражаси жиноий ҳаракат оқибатларига боғлиқ. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, айбнинг даражаси ўз ичига оқибатларни кўра билиш хусусияти ва хажми, жиноятни содир этишдаги қатъиятлик, жиноят содир этиш мотиви ва мақсадини ўз ичига олувчи руҳий фаолият мазмунига ҳам боғлиқ.

Жиноят таркибининг субъектив томони мазмунан фақат айб билан эмас, балки ҳам мотив, ҳам мақсад билан белгиланади.

П.Дагелнинг фикрига кўра: “мотив ва мақсад – ҳар қандай онгли иродавий ноҳўя ҳаракатнинг зарурий белгисидир. Шунинг учун, ҳам қасддан ҳам эҳтиётсизликдан содир этилаётган жиноятларнинг кўпчилик қисми шахснинг онгли иродавий ҳаракатларидан номоён бўларкан, мотив ва мақсад – бу жиноятларнинг зарурий таркибий қисмлари бўлади” [6, 41-б.].

Мотивларни билмасдан туриб, деб таъкидлайди, М.Теплов, нима учун шахс бир мақсадга эмас, бошқа мақсадга интилаётганлигини тушуниш мумкин эмас, демак, уни ҳаракатларининг ҳақиқий маъносини англаб бўлмайди.

Г.Саркисов: “Жиноят мотиви – ижтимоий хавфли ва жиноий жазога сазовор бўлган қилмишни содир этишга ундайдиган талаблар, манфаатлар таъсири остида шаклланган субъект шахсининг криминоген хоссалари, у мавжуд бўлган объектив вазият кўринишидаги ҳулқ атворни руҳий тартибга солиш элементлардан биридир. Жиноят мақсади ҳам ҳулқ-атворни тартибга солувчи элемент бўлиб, мотивга мувофиқ келувчи ва эришиш мақсадида содир этиладиган қилмишнинг субъект томонидан хаёлан тасаввур қилинадиган ҳамда истаган натижасининг “моделли” кўринишида номоён бўлади. Агар жиноят мотиви рағбатлантурса, мақсад – субъектни айнан ўша натижага эришишга йўналтиради, унинг мазмуни, моҳиятини ташкил этади” [7, 83-б.].

Амалда кўп ҳолларда божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузишда жиноятнинг мотиви ва мақсади ғараз ниятлар, моддий манфаатдорлик, ғайриқонуний йўл билан бойиш билан шартланган бўлади.

Айни пайтда бу жиноий қилмишни ёрдамчилар томонидан ғараз мотив ва мақсадсиз, масалан, ёрдам беришга интилиш, нотўғри тушунилган ўртоқлик бурчи асосида ҳам содир этилиши мумкин.

Амалиёт, жиноят одатда чет элга доимий яшашга чиқиб кетган шахслар, уларнинг яқин атрофдагилари, Ўзбекистонда қолган қариндошлари, танишлари, шахслардан ташкил топадиган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилади. Кўрсатилган шахслар мамлакатни ташлаб кетиш мақсадида ҳаракат қиладилар, бундан олдин эса, одатда, улардан мавжуд бўлган қимматликларни чет элдаги қариндошлари ёки танишларига ўтказишга ҳаракат қиладилар. Айрим ҳолларда жиноятчилар, чет элга жўнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматликларни излаш билан шуғулланиладилар ва шу билан чет элга доимий яшашга чиқиб кетганларидан кейин ўз хаётларини моддий таъминлаш учун бойлик тўплайдилар.

Ижтимоий ҳулқ-атвор жиҳатидан божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш кенг тарқалган қилмишдир. Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятининг йўналишидан бири ёки қимматбаҳо металлларни сотиш, божхона



тўловларини тўлашдан бўйин товлаш ва бошқа жиноятларни содир этиш усулларида бири бўлиши мумкин. Бироқ даромад олиш мақсадисиз божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳоллари ҳам учраб туради, бунда шахс унга тегишли бўлган қимматликларни назоратсиз, ғайриқонуний равишда ўтказиш, ўзи учун сақлаб қолиш ёки чет эл сафарларига бўладиган ҳаражатларни камайтира туриб, маблағни тежашга уринади [8, 287-б.].

ЖКнинг 182-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор шахслар қилмишининг ҳақиқий мотив ва мақсадларини аниқлаш катта аҳамиятга эга, чунки улар жазо чорасини белгилашда инобатга олиниши керак. Алоҳида ҳолларда ғараз мақсадининг бўлмаслиги бошқа ҳолатлар билан бириккан ҳолда шартли ҳукм қилиш ёки энг камидан ҳам кам жазо тайинлаш ёхуд шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Товарларни божхона назоратини четлаб Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказиш, шунингдек товарларни декларация қилмаслик ёки товарларни бошқа ном билан декларация қилишда, агарда бу ҳаракатлар эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлса, ЖКнинг 182-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил этмайди. Бундай ҳуқуққа хилоф қилмишларни содир этган шахсларнинг ҳаракатлари, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига боғлиқ ҳолда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси бўйича божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш учун жавобгарликка тортилади, яъни улар учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Тўғри қасд шаклидаги айбни аниқлаш, кўрсатилган ҳаракатларни товарларни декларация қилмаслик ёки бошқа ном билан декларация қилиш белгиси бўйича ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этиш сифатида квалификация қилиш учун етарли эмас.

Ҳуқуққа хилоф қилмишларни ЖКнинг 182-моддаси бўйича квалификация қилиш учун жиноят таркиби объектив томонининг ҳуқуққа хилоф қилмиш ва келиб чиққан ижтимоий хавфли (зарарли) оқибатлар ўртасидаги, жумладан декларация қилмаслик ёки бошқа номга декларация қилиш ва товарларни божхона чегарасидан ўтказиш ўртасидаги сабабий боғланиш каби зарурий белгиси мавжуд бўлиши керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Нерсисян В. Неосторожная вина: проблемы и решения. // Государство и право. – 2000. – № 4. – С. 59.
2. Плотников А.И. Объективное и субъективное в уголовном праве (Оценка преступления по юридическим признакам.) – Оренбург, 1997. – С. 79.
3. Ткаченко В. Вина: понятие, виды. // Право. – 1999. – С. 22.
4. Уголовное право. Особ. часть. Учебник. Под. ред. д.ю.н. проф. У.Таджихонава. – Ташкент: Адолат, 1997. – С. 204.
5. Комментарий к УК РФ. Особ.ч./ Под. общ. Ю.И.Скуротова и В.М.Лебедева. – М., Издательская группа ИНФРА – М. – Норма. 1996. – С. 206.
6. Дагель П.С. Уголовно-правовое значение мотива и цели преступления. // Социалистическая законность. – 1966. – № 5. – С. 41.
7. Саркисов Г.С. Мотив и цель преступления. // Государство и право. – 2009. – № 3. – С. 83.
8. Игнатова А.Н. Уголовное право Россия. – М., 1999. – С. 287.



## ЖИНОЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

**Жабборов Нозимжон Қосимович,**

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси,  
E-mail: nozimjonjabborov82@bk.ru

**Аннотация:** Мазкур мақолада жиноий йўли билан топилган активларни қайтариш билан боғлиқ суд қарорлари ижросига оид халқаро тажриба, хорижий мамлакатлар хусусан: АҚШ, Германия, Ирландия ва Тайланд давлатлари тажрибалари ўрин олган.

**Калит сўзлар:** Конвенция, MLARS, AMLA "ноқонуний пулларни" ювиш, активларни мусодара қилиш.

Активларни қайтариш ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашни ташкил этиш бўйича энг мукаммали, фикримизча АҚШ қонунчилиги ҳисобланади. Бу мамлакатда "ноқонуний пулларни" ювишга қарши фаол кураш ўтган асрнинг 70-чи йилларида бошланган бўлиб, 1970 йилда АҚШ Конгресси мазкур ҳодисага қарши кураш соҳасида замонавий давлат сиёсатини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган куйидаги учта қонунни: "Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида", "Гиёҳванд моддалар тарқалишини универсал назорат қилиш тўғрисида", "Банк сири тўғрисида" қабул қилди.

АҚШ Адлия вазирлигининг Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва активларни қайтариш бўлими (**Money Laundering and Asset Recovery Section, MLARS**) ўзлаштирилган активларни қайтариш бўйича АҚШнинг етакчи агентлиги ҳисобланиб, хориж давлатлари расмий идораларининг сўровларини кўриб чиқиш, коррупция ва бошқа жиноий схемалар бўйича ноқонуний ўзлаштирилган активларни қайтаришга оид ахборот алмашишда ёрдам беришади. Адлия вазирлигининг Ташқи ишлар бошқармаси жиноят ишлари бўйича бўлими (**Office of International Affairs, OIA**) АҚШнинг марказий органи ҳисобланиб, ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги барча расмий сўровларни қабул қилиш ва жўнатиш ҳуқуқига эга. Хорижий давлатлардан ёрдам сўраб келиб тушган расмий мурожаатлари Ташқи Ишлар Вазирлигига келиб тушади. Федерал Тергов Бюроси (**Federal Bureau of Investigation, FBI**) ва Миллий хавфсизлик хизмати тергов бўлими (**Homeland Security Investigations, HSI**) ушбу ташкилотларда махсус молиявий терговчилардан иборат махсус гуруҳлари мавжуд бўлиб, уларнинг бевосита вазифаси глобал коррупцияга қарши курашишдир[1].

Германияда жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш 1992 йил 15 июлда қабул қилинган "Гиёҳвандлик воситалари ва бошқа уюшган жиноятчиликнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан жиноий қонунчиликка ўзгартишлар киритилган. Германия Жиноят кодексининг 261-моддаси пул ювиш ва мулкий имтиёзларни яширганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, унга кўра ноқонуний хатти-ҳаракатлардан бири натижасида олинган даромадни, унинг келиб чиқиш манбасини яширган ёки ушбу объектнинг келиб чиқиши, унинг жойлашган жойи, мусодара қилиниши, олиб қўйилиши, сақланиши ёхуд бундай объектнинг сақланиши ёки сақланишига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай шахс жавобгар бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу модданинг 5-қисмида жиноят эҳтиётсизлик (бепарволик) туфайли содир этилган бўлса ҳам жиноий жавобгарликка тортиш имконияти кўзда тутилган. Шунингдек, агар жиноятчи ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олса ва зудлик билан бу ҳақда ваколатли давлат органларига хабар қилса ва моддий бойликлар буст бутун сақланишини таъминласа, бундай ҳаракатлар жавобгарликни истисно қилади[2].

Активларни қайтариш бўйича Ирландия тажрибасида жиноий йўл билан қўлга киритилган активларни мусодара қилишни таъминлаш учун жиноий мусодара қилиш ва жиноий таъкибдан ташқари фуқаролик тартибида мол-мулкни мусодара қилиш белгиланган[3]. Ноқонуний ўзлаштирилган активларни қайтариш бўйича тергов Бюроси кўп тармоқли агентлик бўлиб, полиция, солиқ ва божхона бошқармалари, ижтимоий хавфсизлик вазирлиги





вакиллари, юридик мутахассис, маъмурий ва техник ходимлардан иборат.

Тайланд ҳукумати томонидан 1999 йилда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва пулларни ювишга қарши курашиш тўғрисидаги қонун (**Anti-Money Laundering Act — AMLA**) қабул қилиш билан бирга пулларни ювишга қарши курашиш бошқармаси (**Anti-Money Laundering Office — AMLO**) ташкил қилинган[4]. Бошқарма Адлия вазирлиги назорати остида иш олиб борадиган мустақил орган бўлиб, Бош вазир ёки унинг ўринбосари бошчилигидаги пулларни ювишга қарши Кенгашга ҳисобот беради. **AMLO** жиноятларни тергов қилишдан ташқари активларни мусодара қилиш ва ноқонуний пулларни ювиш билан боғлиқ ишларни текшириш учун жавобгардир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, суд қарорлари асосида мусодара қилиш белгиланган ижро ҳужжатлари ижросини таъминлашда **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси** томонидан амалга оширилиши аниқ белгиланганлиги миллий қонунчилик талаблари тўғри қўлланилишига хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. «Механизмы и процедуры возвращения активов в США: практическое руководство для международного сотрудничества». Подразделение по отмыванию денег и возврату активов (MLARS) Министерство юстиции США.
2. «Опыт США и Германии в сфере борьбы с легализацией (отмыванием) доходов, полученных преступным путем» МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ «СИМВОЛ НАУКИ» №2/2016 ISSN 2410-700X.
3. Выявление доходов от преступной деятельности: Опыт Ирландии. «Возврат похищенных активов Руководство по конфискации активов вне уголовного производства» стр.220.
4. Роль Бюро по управлению активами в составе Управления по борьбе с отмыванием денег «Возврат похищенных активов Руководство по конфискации активов вне уголовного производства» стр.239.



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ТАРБИЯСИ ОҒИР БЎЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ

Асроров Бехзод Зафар ўғли  
Ички Ишлар Академияси  
3 ўқув курси курсанти

**Аннотация:** Мақолада Профилактика инспекторининг тарбияси оғир бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш фаолияти ҳақида сўз юритилади ва тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

**Калит сўзлар:** Профилактика инспектори, тарбияси оғир, вояга етмаган.

**Аннотация:** В статье рассказывается о деятельности профилактического инспектора по работе о несовершеннолетними, обучения кокторых задрутнено, и даются соответствующие предложения и рекомендации.

**Ключевая слова:** профилактического инспектор, обучения кокторых задрутнено, несовершеннолетними.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Харакатлар стратегияси”да жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, жиноятчиликка қарши кураш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгиланган.

Хусусан, Харакатлар стратегиясида белгиланган нотинч оилалар фарзандлари, уюлмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналарининг масъулиятини ошириш, кашандалик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирлар, семинарлар ўтказиш, буклет, плакат, кўргазмали кўлланмалар чоп этиш, кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилиш каби қатор вазифаларни амалга ошириш ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан оиладаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ижтимоий хавfli қилмишларнинг барвақт профилактикасини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хусусан ички ишлар органлари фаолиятига қўйилаётган асосий талаблардан бири, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан қарши курашиш эмас, балки уларнинг барвақт профилактикасини амалга оширишни таъминлашдир.

Инсон ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳар қандай кўринишдаги таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилишда, хусусан оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органларининг энг қуйи тизими ҳисобланган маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятнинг йўлга қўйилганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. «Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди».

Шунга қарамасдан, мамлакатимизда ҳар йили 30 мингга яқин оилаларнинг ажралишига оид ажримлар қайд этилиб, бу масалалар бўйича судларга мурожаат этганларнинг 70%дан ортигининг оиласида носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит мавжудлиги кузатилмоқда. Шуни такидлаб ўтиш жоизки нотинч оилаларнинг фарзандларига яъни ўсиб келаётган ёш авлодга таъсири ёмон оқибатларга олиб келади, сабаби чунки бола тарбияни оила яъни ота онадан олади.

Биламизки 2010 йил 29 сентябрда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлирлар профилактикаси тўғрисида қонун қабул қилинган. Ушбу қонуннинг



3 моддасида “ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила ” мавжуд. Бу қуйдагича тарифлаб ўтилган: ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила- ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлайётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлайётган оила.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг кўпайиши асосан назоратсизликдан содир этилади. Халқимизда яъни бир болага етти қушни ота она деган иборалар мавжуд. Албатта вояга етмаганларнинг аксарияти ўсмир ёшда бўлиб улар ўртасида асосан хис туйғулар яъни севги, моддий эҳтиёжларини кўпайиши, таълим олаётган муассаса ва жамоанинг унга нисбатан бўлган муносабати орқали тарбиясида ўзгаришлар мавжуд бўлади. Оила турмуш тарзида ота онанинг назоратсизлиги ва этиборсизлиги оқибатида вужудга келади кўп ҳолларда. Дунёнинг ҳар йили статистлари томонидан жиноятлан ҳисобланганида 15% дан кўпини вояга етмаганлар томонидан содир этилиши ҳақида такидлаб ўтилган. Бугунги кунда профилактика инспекторлари тарбияси оғир бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш фаолиятида аввало вояга етмаганнинг таълим муассасалари билан ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда давлат органлари билан ҳамкорликда профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Айниқса махсус профилактиканинг “даволат” “ўсмир” “тиғ” “ғамхўр” каби тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда профилактика инспекторлари махсус профилактик тадбирларни айниқса ҳудудиди мавжуд таълим муассасаларининг ходимлари билан биргаликда амалга оширилмоқда. Кўп вақт сабабсиз дарсларга қатнашмаслиги ёки дарс машғулотларидан кетиб қолиш ҳоллари кузатилаётган ўқувчиларни мактаб ички рўйхатига олиниб ҳар ойда ҳудуд профилактика инспекторларига тақдим этиди ва тегишлича чоралар кўрилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. // lex.uz. 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги ЎРҚ 263 сон//
2. // lex.uz. 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ 371 сон//
3. // lex.uz. 2017 йил 17 февралги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ тўғрисида”ги ПФ 4947 сон //
4. //телеграм менсенжиридан //“kun.uz”rasmiy kanali//



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ТАРБИЯСИ ОҒИР БЎЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ

Асроров Бехзод Зафар ўғли  
Ички Ишлар Академияси  
3 ўқув курси курсанти

**Аннотация:** Мақолада Профилактика инспекторининг тарбияси оғир бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш фаолияти ҳақида сўз юритилади ва тегишли таклиф ва тавсиялар берилади.

**Калит сўзлар:** Профилактика инспектори, тарбияси оғир, вояга етмаган.

**Аннотация:** В статье рассказывается о деятельности профилактического инспектора по работе о несовершеннолетними, обучения которых задрутно, и даются соответствующие предложения и рекомендации.

**Ключевая слова:** профилактического инспектор, обучения которых задрутно, несовершеннолетними.

Вояга етмаган яни 18 ёшга тўлмаган шахс ҳисобланади. Бугунги кунда давлат раҳбаримиз томонидан ёшларга кўп имкониятлар яратилмоқда. мисол учун 2019 йил 20 март куни президент Шавкат Миромонивич Мирзиёев томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига урғу берилди.

Турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис президент томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, давлат раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

Юртимизда ёшларга қаратилган эътибор жуда катта. Ёшларни замонавий технологиялар, таълим муассасаларининг моддий техник базасини кучайтириш, ёшларни тадбиркорлик билан шуғулланиши учун ектарли маблағлар ажратилмоқда.

Аммо бугунги кунда айрим ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг содир этилиши кузатилмоқда. Бунинг сабаби ёшларнинг назоратсизлиги ва бўш вақтининг мазмунли ташкил этирилмаганлиги мисол қилсақ бўлади. Олимларнинг ҳисоблашича дунёда содир этилаётган жиноятларнинг 25 % оилавий турмуш тарзида 15 % вояга етмаганлар билан боғлиқ жиноятларни ташкил этади.

Бугунги кунда ахборот технологияларни ривожланиши, ёшларнинг замонавий технологиялардан унумли фойдаланиши ташкил этиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Айни вақтда жиноят турларидан ўғирлик ва фирибгарлик жинчоятлари бевосита фҳборот технологиялардан фойдаланилган ҳолда содир этилмоқда. Ушбу жиноятларни содир этганлар кўпи вояга етмаганлар ва ёшларни ташкил этади. Буларни олдини олишда профилактика инспекторлари томонидан профилактик чора тадбирлари кенг қўлланилмоқда. Таълим муассасаларида умумий профилактик чора тадбирларини ўтказиш ва ОАВ билан келишилган ҳолда ҳамда ижтимоий тармоқларда фуқароларнинг мол мулкани фирибгарлик тарзида уларнинг пластик карталарида пул ечиб олиш ҳолатлари содир этилаётгани ҳамда тегишли шахсий маълумотларни бегона шахсларга беришларини олишда кенг ишлар олиб борилмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. // lex.uz. 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги ЎРҚ 263 сон//
2. // lex.uz. 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ 371 сон//
3. телеграм менсенжиридан //“kun.uz”rasmiy kanali//
4. 2019 йил 19 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Ёшлар Маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5та Мухим Ташаббус” видеоселектири йиғилиши. // marifat.uz //





## ЗАЩИТА ПРАВ, СВОБОД И ЗАКОННЫХ ИНТЕРЕСОВ ЖЕНЩИН

**Хасанова Гузалия Бахтиёровна,**  
Ассистент кафедры Межфакультетские дисциплины  
Джизакский филиал Национального  
Университета Узбекистана

**Коробкова Анастасия Сергеевна,**  
Студентка 3 курса направления «Психология»  
Джизакский филиал Национального  
Университета Узбекистана

**Бегманов Акмальжон Бахтияр угли,**  
Студент 1 курса направления «Геология» филиала  
федерального государственного автономного образовательного  
учреждения высшего образования "Казанский (Приволжский)  
федеральный университет" в городе Джизак  
E-mail: guzaliah118@gmail.com

**Аннотация:** статья посвящена определению места и роли прав женщин в цивилизованном каталоге прав человека; осуществление правовых и законных актов по вопросам гендерных прав должно дополняться восприятием прав женщин на всех уровнях функционирования государства и общества – экономическом, политическом, социальном, культурном, бытовом и т.д.

**Ключевые слова:** права женщин, гендерная политика, равные права, женское движение, международное право.

Наша страна с давних времён славилась своей древнейшей и богатой историей, высококультурной цивилизацией. Издревле на Востоке с уважением и почитанием относятся к женщинам. Они объединяют семью, общество, окрашивая своей любовью, добротой, благородством. Узбекистан является родиной самоотверженных женщин как: Тамарис, Биби хонум, Нодира, Зульфия и сотен других, которые оставили неизгладимый след в истории нашей Родины своим мужеством, умом, мудростью.

Но, на протяжении долгих времён жизнь узбекских женщин и девушек регламентировалась шариатскими нормами исламской религии. С установлением советской власти на повестку дня был поставлен вопрос «освобождения» женщин Востока, отказ женщин от ношения чачванов и паранджи и их ускоренного привлечения в ряд строителей новой жизни. Эта проблема в республиках Средней Азии, в частности, в Узбекистане была решена спешно и в короткие сроки, что привело к трагическим последствиям: многие женщины и девушки были убиты своими близкими, которых подстрекали суеверные фанатики.

Компания «Худжум» начала свою работу 8 марта 1927 году. Начались массовые митинги, более 100000 женщин бросили свои паранджи в огонь. Противники «Худжума» стали применять насилие по отношению к сбросившим паранджу. В период «Худжума» более 2500 активисток пожертвовали собой ради построения новой жизни.

В превращении узбекских женщин в равноправных членов общества, в освобождении из семейной неволи важное значение играло их привлечение к культурной и общественной жизни. Важную роль в культурно-воспитательной работе выполняли женские клубы. В этих клубах женщины получали необходимые врачебные советы, дети проходили медицинский осмотр. Также было открыто множество библиотек, детских садов. Проводились беседы по вопросам, интересующим и беспокоящим женщин. В этот период узбекские женщины показали свои способности и на руководящей работе. В 30- годах XX века появились знаменитые женщины-учёные, поэтессы, писательницы, инженеры, врачи, работники искусства, учительницы. Именно в те годы возшла звезда таких талантливых узбекских женщин, как Халима Носирова, Тамара ханум, Сора Эшонтураева и другие. Это было результатом желания узбекских женщин стать равноправными членами общества, их стремление к культуре и знаниям.[1, С.71]

В годы независимости произошли глубокие изменения в нашем обществе, затронувшие интересы женщин. В государстве благодаря последовательным мерам, направленным на



защиту прав, свобод и интересов женщин, где они успешно могут реализовывать свои знания и навыки в науке, образовании, спорте, предпринимательстве. Это всё стало возможным благодаря нормативно-правовой базе, созданной в нашем независимом государстве. 1995 году Узбекистан присоединился к Конвенции ООН «О ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин». В связи с этим подписавшие Конвенцию, принимают соответствующие меры для ликвидации дискриминаций в отношении женщин. Такие международные организации как ООН, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНИФЕМ, программа развития ООН, ЕС, ОБСЕ, ЮСАИД и другие осуществляют политику взаимопомощи в совместной разработке различных проектов, в проведении конференций, семинаров и тренингов, направленных на повышение активности женщин в общественном, политическом, экономическом, культурном прогрессе, на предотвращение и различных проявлений дискриминации и насилия в отношении женщин, в том числе, на повышение правовой грамотности.

В Конституции Республики Узбекистан закреплено обеспечение прав и интересов женщин, охрана семьи, материнства и детства, достойные условия труда, образование нашли своё отражение в статьях 46,63,66.[2] Принято свыше 80 законодательных актов, регулирующих защиту прав и свобод женщин. Это позволяет прекрасной половине человечества работать эффективней. Так, в соответствии с законами « О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан» и « О выборах в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов» при выдвижении кандидатов в парламент страны определена 30% квота для женщин. В связи с этим следует отметить, что 1998 г. был объявлен Президентом Республики Узбекистан «Годом семьи», 1999г. – «Годом женщины», 2012г. – «Годом прочной семьи», 2017г. - «Годом диалога с народом и интересов человека». Это свидетельствует о том, что в нашей стране проводится целенаправленная социальная политика, в основе которой лежат актуальные задачи, связанные с судьбами женщин, подрастающего поколения и семьи.[3, С.440]

В Узбекистане создано около 100 женских организаций, к их числу относится Комитет женщин Узбекистана, международное объединение «Шарк аёли», Ассоциация «Женщина и экология», Ассоциация « Тадбиркор аёл», Ассоциация женщин - учёных « Олима» и другие.[4] Например важное значение в общественной жизни страны играет Программа педагогических грантов, учреждённая Фондом «Форум культуры и искусства Узбекистана» и объединением «Женское собрание». Конкурс способствует выявлению инициативных и самоотверженных учителей, популяризации методов их работы и дальнейшему повышению профессионального мастерства. В конкурсе со своими проектами по новым педагогическим технологиям и другим направлениям могут участвовать учителя, работающие во всех звеньях системы образования.[5]

Таким образом, в Узбекистане созданы возможности и правовые гарантии по усилению социально – экономической и политической активности женщин, повышению их духовного и интеллектуального потенциала, укреплению здоровья, защите семьи, охране материнства и детства.

#### **Список использованной литературы:**

1. К.Раджабов, А.Замонов История Узбекистана – Т., Издательско –полиграфический творческий дом имени Гафура Гуляма, 2017.- с.71.
2. Конституция Республики Узбекистан.
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 2 марта 1995 «О мерах по повышению роли женщин в государственном и общественном строительстве//Сборник законодательства Р.Уз. по вопросам защиты материнства и детства. – Т., 2004. – С.440
4. Комитет женщин Узбекистана 17-10-2013.//<http://ru.wcu.uz/press/news/260-v-ramkah-mezhdunarodnogo-sotrudnichestva-komiteta-zhenschin-uzbekistana.html>.
5. Конкурс учителей – новаторов. 2009.2октября //www.uza.uz.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 1-ҚИСМ

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шаҳрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2023

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000